



ТИББИЙОТНОМА

TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI NASHRI

№ 05 2021 YIL 26 MAY



ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ВА МАҲАЛЛАЛАР ҲАМКОРЛИГИ

“Биз маҳалла деганда, дунёда камдан-кам учрайдиган, инсонни жамият билан уйғун бўлиб яшашга ўргатиб, бағрикенглик руҳида тарбиялайдиган, халқ билан давлат ўртасидаги ишончли кўприк вазифасини бажарадиган ноёб тузилмани тушунагимиз”.

Ш.Мирзиёев

Ўтган тўрт йил мобайнида маҳалла институтига миллий давлатчилигимизнинг асосий куйи бўғини сифатида эътибор қаратилиб, унинг жамият бошқарувидаги ўрни ва роли оширилмоқда. Жумладан соҳага оид 50 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, ҳар бир ҳудудда “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойилига асосланган янги тизим жорий этилди. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилиб, “Маҳалла ифтихори” кўкрак нишони таъсис этилди.

Тошкент тиббиёт академияси кафедраларига бириктирилган маҳаллалар ва ТТАга яқин жойлашган 5 та маҳалла (“Хислат”, “Жийдали”, “Шифокорлар”, “Беруний” ва “Чилонзор-Оқтепа”)да иқтисодий, ижтимоий, соғлиқни сақлаш ва таълим-тарбия соҳаларида амалга

оширилаётган ислохотларни кенг тарғиб қилиш мақсадида самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ўз навбатида бир қатор йўналишлардаги тарғибот ишлари амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан:

– Бириктирилган барча маҳаллаларда кафедра мудири ва профессор-ўқитувчилар томонидан “Янги Ўзбекистон – янги дунёқараш” шиори остида 150 дан зиёд тарғибот тадбирлари ташкил этилди. Бу тадбирларда маҳаллаларда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини жамоатчиликка етказиш, аҳоли кайфиятини кўтариш, аҳолининг барча қатлами мурожаатларини тинглаш ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш масалаларига алоҳида аҳамият қаратилди.

(Давоми 8-бетда.)

БИРЛАМЧИ ТИЗИМДАГИ ИСЛОХОТЛАР ВА КАСАЛЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДАГИ ВАЗИФАЛАР

**Саломатлик ҳар бир инсон
учун бебаҳо бойлик сифатида
жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий
ривожланишининг муҳим
шартларидан бири ҳисобланади.**

Саломатлик ўзи нима? Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг таърифига кўра инсон ўзининг ва атрофдагиларнинг соғлиғини сақлаш, мустаҳкамлаш ва касалликларнинг олдини олиш билан боғлиқ тадбирлар мажмуаси тушуналади.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 12 ноябрдаги «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтириш ва такомиллаштиришда муҳим омил вазифасини ўтамоқда. Миллат саломатлиги ижтимоий бойлиқнинг ажралмас қисми ва давлат тараққиёти учун асосий манба бўлиб, аҳоли саломатлиги ҳолати кўрсаткичлари жамият тараққиётининг муҳим мезонидир. Аҳоли саломатлиги – бу аҳолининг насл-насабини кўпайтириш, авлодларни узлуксиз янгилаб, ўз ҳаёти ва меҳнат салоҳиятини рўёбга чиқариш қобилиятидир, бу ривожланишнинг барча босқичларида жамиятда юз бераётган ўзгаришларга жавоб беради.

Ноинфекцион касалликлар ҳозирда ўлим сабаби ҳисобланади. Бу билан курашишнинг асосий усуллари орасида саратон, гипертония, диабет ва бошқалар каби энг кенг тарқалган ижтимоий аҳамиятга эга касалликларни эрта аниқлаш ва олдини олиш ҳисобланади.

Тиббий ходимларнинг етишмаслиги соғлиқни сақлаш ходимларининг энг катта тоифасини ташкил этадиган ўрта тиббиёт ходимлари аҳолини бирламчи соғлиқни сақлашда касалликларнинг олдини олиш бўйича ғамхўрлик қилиш учун қимматли соғлиқни сақлаш манбаи сифатида қаралиши керак.

Соғлиқни сақлаш соҳасининг меъёрий ҳужжатлари бирламчи соғлиқни сақлашда ўрта тиббиёт ходимларининг ролини мустаҳкамлайди, бу эса касалликнинг олдини олиш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш соҳасида ҳамширалик фаолияти кўламини сезиларли даражада кенгайтиради.

(Давоми 2-бетда.)

Ҳикмат



*Шухрат ёқимли, аммо алдамчи нарса.
У тоғ чўққисига ўхшайди. Қанча баланд
кўтарилсангиз, шунча кўзингиз тинади*



Ҳикмат

БИРЛАМЧИ ТИЗИМДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ВА КАСАЛЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДАГИ ВАЗИФАЛАР

(Боши 1-бетда.)

Энг кенг тарқалган ижтимоий касалликларни барвақт аниқлаш мақсадида туман шифокори ва ҳамшира биргаликда куйидаги вазифаларни бажаради:

- Аҳолини тиббий кўриқдан ўтказиш ва диспансер беморларининг гуруҳларини шакллантириш;
 - касалланишнинг олдини олиш ва камайтириш бўйича профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш (касалликларнинг эрта ва яширин шакллари аниқлаш, ижтимоий аҳамиятга эга касалликлар ва юқумли бўлмаган касалликлар учун хавф омилларини кузатиш);
 - бириктирилган аҳолини саломатлик ҳолати таҳлили;
 - Саломатлик мактабларида саломатликни тиклаш бўйича тренинглари ташкил қилиш.
- Участка ҳамширасининг вазифалари куйидаги тадбирларни ўз ичига олади:
- врач кўригига киргунга кадр (бе-

морни амбулатор картасига кўрик ва профилактика натижаларини қайд қилишни);

- хизмат кўрсатилаётган аҳоли саломатлик кўрсаткичларини (компьютер) маълумотлар базасига киритиш;
- хизмат кўрсатилаётган аҳолининг соғломлаштириш тадбирларидаги эҳтиёжларини ўрганиш ва ушбу тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш, профилактик кўриқдан ўтмаган беморларни кўрик учун врач қабулига фаол таклиф қилиш (телефон кўнғироқлари орқали ва патронаж пайтида);
- хизмат кўрсатилаётган аҳолини хавф омилларини ўрганиб участкада профилактика ишларини олиб бориш;
- аниқланган хавф омилларини ҳисобга олган ҳолда профилактик иш дастурларини ишлаб чиқиш;
- аҳолини «саломатлик мактаблари»га йўналтириш;
- сурункали касалликлари бор беморларни касаллик хуруж қилмаган пайтда кузатиш.

Энг кенг тарқалган ижтимоий касалликлар (артериал гипертензия, саратон, сил ва бошқалар)ни эрта аниқлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда, деонтология тамойилларига айниқса диққат билан амал қилиш лозим. Клиник ташхис кўйишдан олдин беморга гумон қилинган касаллик ҳақида батафсил маълумот бермаслигини керак. Шахсга мавжуд амалиётнинг муайян аломатни аниқлашда, иштирок этувчи шифокорга мурожаат қилишни талаб қиладиган қўшимча текширув ўтказишни муҳимлигини тушунтириш керак. Шу билан бирга, агар бемор эътиборсизлик қилиб, қўшимча текширувдан ўтмаса, уни қайта-қайта чақириб, касалликнинг бартараф этишда бу муҳимлигини таъкидлаб, қатъият кўрсатиш лозим.

Н.НУРИЛЛАЕВА,

“1-сон ички касалликлар” кафедраси
мудир, т.ф.д. доцент,

М.МАХМУДОВА,

“1-сон ички касалликлар” кафедраси
ассистенти, т.ф.н.

ФТИЗИАТРИЯ ВА ПУЛЬМОНОЛОГИЯ ЁРДАМИ ТИЗИМИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Сир эмас, узоқ йиллар давомида тиббиёт соҳасида қатор муаммолар тўпланиб қолган эди. Шу боис, сўнгги йилларда Президентимиз ташаббуси билан соҳада туб ислоҳотлар амалга ошириляпти.



Хусусан, фтизиатрия ва пульмонология хизматларининг етарли даражада интеграциялашмаганлиги респиратор касалликларга ташхис қўйиш ва уларни даволашда замонавий усулларни самарали татбиқ этишга имкон бермаётган эди. Фтизиатрия ва пульмонология соҳасида мутахассислар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими замон талабларига жавоб бермай қолган. Бунинг натижасида, айниқса, ҳудудий муассасаларда фтизиохирург, фтизиоуролог, фтизиоортопед, фтизиоофтальмолог, фтизиогинеколог, фтизиопедиатр ҳамда пульмонолог каби малакали мутахассисларга катта эҳтиёж туғилган эди.

Бундан ташқари, фтизиатрия муассасаларининг моддий-техник базаси ночор, тиббий жиҳоз ва техникалар тақчиллиги сабабли сил касалига чалинган беморларга ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатишда талай муаммолар юзага келган эди. Шу боис, Президентимиз 2019 йил 13 февралда “Ихти-

сослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология ёрдами кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор қабул қилди. Ушбу қарор ижроси натижасида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, сил инфекциясидан ҳимояланиш, сил ва ўпка носпецифик касалликлари тарқалишининг олдини олиш, барқарор санитария-эпидемиология ҳолатини сақлаб туриш бўйича кенг кўламли ишлар амалга ошириляпти.

Жумладан, сил ва ўпка носпецифик касалликларини профилактика қилиш, унга ўз вақтида ташхис қўйиш ва даволашга йўналтирилган фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар бўйича илмий тадқиқотларни мувофиқлаштиришга катта эътибор қаратилди.

(Давоми 3-бетда.)



ФТИЗИАТРИЯ ВА ПУЛЬМОНОЛОГИЯ ЁРДАМИ ТИЗИМИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

(Боши 2-бетда.)

2019-2021 йилларда сил ва ўпка носпецифик касалликлари тарқалишига қарши курашиш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Соғлиқни сақлаш ва Ташқи ишлар вазирликлари билан биргаликда хорижий давлатлар, халқаро молия институтлари имтиёзли кредитлари (қарзлари), грантлари ушбу қарорда тасдиқланган дастур ижросига йўналтирилди.

2019 йил Тошкент тиббиёт академиясида фтизиатрия ва пульмо-

нология кафедраси ташкил этилди. 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб илк мартаба давлат гранти асосида пульмонология мутахассислиги бўйича 3 та магистр ва 1 та клиник ординатор қабул қилинди.

Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт марказининг барча ҳудудий филиалларида пульмонология бўлимлари ташкил этилиб, улар юқори малакали мутахассис пульмонолог ва замонавий тиббий ускуналар билан таъминланди.

Тошкент тиббиёт академиясида фтизиатрия ва пульмонология мутахассислиги бўйича магистратура ва клиник ординатурада кадрларни тайёрлаш фақат давлат грантлари асосида амалга оширилмоқда. Айти пайтда пульмонология кафедрасида 5 нафар магистр, 4 нафар клиник ординатор тахсил оляпти.

Мухтасар айтганда, Президент қарори мамлакатимизда фтизиатрия ва пульмонология соҳасини ривожлантириш, мавжуд муаммоларга ечим топишда ҳуқуқий асос вазифасини ўтапти.

ТТА ПИТТСБУРГ УНИВЕРСИТЕТИ БИЛАН МЕМОРАНДУМ ИМЗОЛАДИ

АҚШ Питтсбург университетининг ўқув ишлари ва халқаро дастурлар бўйича проректори ўринбосари, эпидемиолог Маргарет МсДоналд, Тиббиёт мактаби халқаро тиббий таълим дастурлари директори, ички касалликлар шифокори, тиббиёт профессори Майкл Елники ҳамда университетнинг тиббиёт факультети декани муовини, биолог олим Салим Хон Тошкент тиббиёт академиясида (ТТА) бўлди.



Мулоқот чоғида ТТА ва Питтсбург университети ўқув жараёнини халқаро стандартлар даражасига олиб чиқиш юзасидан фикр алмашилди.

Меҳмонлар Тошкент тиббиёт академиясидаги ўқитиш методикаси ва клиник базалар иши билан танишди.

– Пандемия бизга кўп нарсалар ҳақида сабоқ чиқаришимиз, одатий иш ва тактик услубларимизга ўзгача муносабатда бўлишимизни ўргатяпти, — деди Маргарет МсДоналд. – Қолаверса, онлайн усулда ҳам тиббиёт фанларини чуқур ва самарали ўқитиш мумкинлигини тушуниб етдик. Бироқ талабаларимизнинг анъанавий дарсларни интиқлик билан кутишаётганига ишончим комил. Бизда ҳам сизлардагидек ҳамширалик курслари мавжуд. Лекин фарқли жиҳати шундаки, бизда у 4 йиллик. Талабаларни амалиёт ўтаган олий тоифали ҳамширалар ўқитади. Шахсан мен бу жараёнда амалиёт муҳим, деб ҳисоблайман. Сизларда бунга ўзига хос муносабат мавжуд экан. Шу боис ТТА профессор-ўқитувчилари билан бу масалада тажриба алмашишга келишиб олдик.

Мулоқот сўнггида Тошкент тиббиёт академияси билан Питтсбург университети ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Эслатиб ўтамир: Питтсбург университети 1787 йилда ташкил топган. АҚШнинг Пенсилвания штатида қарашли Питтсбург шаҳрида жойлашган. Таркибидаги 17 та коллеж ва мактабда бугунги кунда 35 мингдан зиёд талаба тахсил олмақда.

Питтсбург университети тиббиёт факультети АҚШнинг энг яхши тиббиёт мактаблари қаторига киритилган. У дунёнинг энг яхши университетлари орасида 156-, тадқиқот тоифаларига кўра 13-, бирламчи тиббий-санитария хизмати соҳасида 14-, энг яхши тиббиёт мактаблари рўйхатида 17-ўринда туради.

2021 йилда АҚШнинг шимолий-шарқидagi биринчи штат университети деб топилди. 2021 йилда АҚШ давлат тадқиқот университетларининг энг юқори кластерига кирди.

Гулчеҳра МИРЗАЕВА,
Тошкент тиббиёт академияси матбуот котиби



Ўткир Ҳошимов таваллудининг 80 йиллиги олдида

ИЖОДКОРНИНГ ҚАТЪИЙ ПОЗИЦИЯСИ

Атоқли адибимиз Ўткир Ҳошимовнинг барча асарларига хос етакчи хусусият, бу – тасвирда лиризм эканлиги, қахрамонларидаги ҳиссий ҳолатларни жуда катта маҳорат билан очиб, кўрсатиб беришга қодир ёзувчилардан бири бўлганлиги адабиётшунослар томонидан эътироф этилган. Унинг асарларидаги ифодалар ўзининг ғоят жозибдорлиги, тилининг ширалилиги, пейзаж ва портретлар яратишда элементлар ўзининг аниқлиги, ҳаётийлиги билан ажралиб туради.



Ў.Ҳошимов ҳар бир асарида дастлабки жумлалардан оқиб ўқувчи диққатини ўзига ром эта оладиган истъод соҳиби эди. Қарангки, унинг ижоди мутахассислар томонидан етарли даражада ўрганилган бўлишига қарамай, фақат битта жиҳатига – тасвирда ана шу лиризм билан боғлиқ бўлган томонлари кўпроқ эътибор қаратилгандек таассурот қолади. Аслида эса ҳақиқий манзара, эътибор берилса, бошқачароқ, биз айтиб келаётган гапларга нисбатан бойроқ эканлигини пайқаш унчалик қийин эмас. Аниқроғи, мен таъкидламоқчи бўлаётган жиҳат, бу – лирик ифода тарзи ёзувчи ижодида қанчалик салмоққа эга бўлиб келаётган бўлса, драматик, ҳатто трагик ҳолатлар тасвири ҳам ундан кам аҳамиятга эга эмаслигидир. Бунга амин бўлиш учун ёзувчи қаламига мансуб асарларни бирин-кетин кўз олдимизга келтиришга ҳаракат қилиб кўрайлик. Мана, ўша бир вақтлар А.Қаҳҳорнинг эътиборига сазовор бўлган, ёзувчининг катта адабиёт майдонига кириб келишида “кўприк” вазиғасини ўтаган мўъжазгина “Чўл хавоси” қиссасини олайлик. Асар бор-йўғи учта мактубдан ташкил топган, холос. Унинг сюжетни асосида бош қахрамоннинг севгиси билан боғлиқ ҳис-туйғулар тасвири туради. Ботирга ўзи яхши кўрган қизининг эътиборини қозониш, ўзлигини топиш учун талай ҳаёт синовлардан ўтишга тўғри келади. Ҳар ҳолда асар сўнгида қахрамон бу дунёда яшаш инсон учун унчалик ҳам осон ишлардан эмаслигини, бунинг учун кучли ирода, сабр-бардош керак бўлишини англаб етади. Ў.Ҳошимовнинг шундан кейинги яратилган асарларида бу жиҳат, бундай тасвир тобора мураккаблашиб, янада юқори пардаларга кўтарилиб бораверади. “Чўл хавоси”да бу жиҳат, яъни ҳаётнинг кучли синовлари борлиги ҳақидаги гаплар дастлабки куртак шаклида намоён бўлган бўлса, ёзувчи камолот пиллапояларидан кўтарилган сари тасвирдаги драматик йўналиш тобора чуқурлашиб, мукамаллик касб этиб борди. Лоақал шу ўринда ёзувчининг “Деҳқоннинг бир қуни”, “Деҳқоннинг бир туни”, “Нега? Нега-а-а?”, “Урушнинг сўнги курбони” каби ҳикояларини эсласак, уларда берилган ҳаёт муаммоларининг нечоғли оғир ва шафқатсиз эканлигининг, ёзувчи ҳолат ва вазиятлар қатламларининг ичига қанчалик чуқур кириб борганининг гувоҳи бўламиз. Булар ёзувчининг уйлаб чиқарган воқеалари эмас. Улар ҳаётда аслида бор, лекин биз кўравериб, кўникиб қолган нарсалар эди. Адибнинг “Баҳор қайтмайди”, “Дунёнинг ишлари” каби қиссаларини, “Икки эшик ораси” романини ҳам мана шу нуқтаи назардан ҳаёлдан ўтказадиган бўлсак, Ў.Ҳошимов ижодида драматик ва ҳатто, трагик оҳанглар асардан асарга ўтган сари кучайиб, чуқурлашиб борганлигини кўриш мумкин. Бир жиҳатни таъкидлаш керак бўлади. Ёзувчи

китобхонлар олдидаги масъулиятини ҳеч қачон унутмасликка ҳаракат қилган. Шунинг учун уларни энгил-елпи воқеалар, ҳаёт ҳақидаги ёлғон иллюзиялар билан алдашни истамайди. Турмушнинг одамлар хоҳиш-иродасига ҳамма вақт ҳам тўғри келавермайдиган шафқатсиз томонлари бор эканлигини англашга, ҳисобга олишга даъват этади. Шу боисдан ҳам у ўз қахрамонларига нисбатан жуда қаттиққўллик билан муносабатда бўлади, кимки ҳаётда нима иш қилган бўлса, шунга лойиқ баҳосини олиши лозим, шунинг учун ўйлаб иш қилиш керак, деган нуқтаи назар билан иш кўради.

Эҳтимол, шунинг учундир, у қахрамонларини жуда жиддий синовларга рўпара қилади. Бундай ҳолат ва вазиятларда улар ўзидаги бор инсоний сифатларни кўрсатишга “мажбур” бўлишади. Ёзувчи бундай ҳолатда уларга чекинишга ёки бошқа энгилроқ йўл ахтаришга имконият қолдирмайди. Ў.Ҳошимовнинг “Ўзбек иши” деб номланган ҳикояси ҳам ўзининг кескин руҳи, ички шиддати билан шу йўналишдаги бошқа асарларига ўхшаб кетади. Ҳатто улардан анча-мунча фарқ қиладиган жиҳатлари ҳам йўқ эмас. Асар номидан ҳам кўриниб тургандек, собиқ шўролар даври сиёсатининг 80-йилларда – ўз ҳукмронлигининг сўнги босқичида халқимизга қарши уюштирган навбатдаги қатағони билан боғлиқ воқеаларга бағишланган. Умуман, Ў.Ҳошимов ижодида мана шу йилларда ўзбек халқига нисбатан бўлган бундай адолатсизликни кўрсатувчи тасвирлар анча салмоқли ўринни эгаллайди, десак хато бўлмайди. Бу ўринда биз ёзувчининг қатор публицистик асарларини, катта минбарлардан туриб сўзланган нутқларини ва ниҳоят, “Тушда кечган умрлар” каби романини назарда тутаямиз. Албатта, адибнинг бундай фидойи, жасорат деб аталишга лойиқ ҳаракатлари бежиз эмас эди. Чунки Ў.Ҳошимов бу йилларга келиб нафақат шахс ва ижодкор, балки сиёсат ва жамоат арбоби сифатида ҳам этилган, тўлиб-тошган, жўшқин бир кайфиятда фаолият кўрсатаётган эди. Агар олдинги қатағонлар “умумиттифоқ” миқёсида амалга оширилган бўлса, буниси энди айнан аниқ бир халққа қарши йўналтирилган, бир неча ўн йилликлар давомида етишган кадрларни қиришга қаратилган сиёсат эди. Халқини, киндик қони томган юртини жонидан ортиқ севган, уни эъзозлашни ҳамиша ўзининг фарзандлик бурчи деб билган Ў.Ҳошимовдек ёзувчи бундай ҳолатга бефарқ қараб туриши мумкин эмасди, албатта. Шундай бўлди ҳам. Юқорида айтилганидек, у бу мавзуда кетма-кет ўткир публицистик мақолалар ёзди. Дадиллик билан кўнглидан ўтаётган гапларни бадий сўзлар воситасида жамоатчиликка, кенг халқ оммасига етказишга интилди. Жамоат арбоби сифатида

ўша даврнинг катта минбарларидан туриб ўз халқининг шаънига қарата айтилаётган тўхмат гапларни, чидаш мумкин бўлмаган адолатсизликларни жасорат билан фош этди.

1990 йил бўлиб ўтган Ўзбекистон компартиясининг XXII съезди минбаридан туриб шулар ҳақида гапирди. КПСС XXVIII съезди минбаридан туриб, анжуман қатнашчиларига, “Ўзбек иши” деган ҳақоратли гап Марказий матбуот саҳифаларидан тушмай қолди. Мен ёзувчи сифатида, журналнинг бош муҳаррири сифатида ўша ҳамкасб қаламкашлардан сўрагим келади: “Нима учун сизлар Ўзбекистонни “Иккинчи Афғонистон” деб ёзишдан уялмайсизлар. Ўзбекистон нима ёмонлик қилди сизларга? Ўзбекистон душманми? Бундай гаплар Ўзбекистон номини қора қилиб қўйди. Қардош халқлар орасида ўзбеклар ҳақида ёмон таассурот уйғотди. Айтинглар, нега айнан “Ўзбек иши”. Нега, дейлик, “арман иши” эмас, “молдаван иши” эмас-да, нега “Ўзбек иши”, дея ҳаёт-мамонт даражасидаги саволларни қўйди. Эҳтимол, ҳозирги ёшлар бир халқни бемалол бадном қилиши мумкин бўлган бундай сиёсий ўйинларга тушуниши қийиндир. Лекин ўша даврда озми-кўпми онгли ҳаётини ўтказган, салгина баланд-пастни фарқида етадиган одам бундай гапларни ўшандай жойда айтиш учун ҳазилакам жасорат талаб этилмаслигини англаб етиши унчалик ҳам қийин эмас.

Ёзувчининг “Тушда кечган умрлар” романи ҳам ана шундай жасоратнинг, ҳозиржавобликнинг маҳсули ҳисобланади. Асарни ўқий бошлашнинг биланок бир бадий хусусият алоҳида сезилиб туради: ёзувчи у ёки бу қахрамон воқеалар оқимида олиб кирад экан, биринчи навбатда уларнинг ички моҳиятига ўқувчи диққатини қаратишга ҳаракат қилади. Ҳар бир катта-кичик ҳодисани қахрамонлардаги ички кечинмалар жараёнидан олиб ўтади. Умуман, Ў.Ҳошимов қахрамон кечинмаларини, ундан келиб чиқадиган моҳиятни кўрсатишда ички монологлардан ва диалог шаклидаги тасвирлардан маҳорат билан фойдаланади.

Умуман, драматик талқин трагизм билан туташиб кетадиган бундай йўналиш замонамизнинг етук адибларидан бири бўлган Ўткир Ҳошимов ижодида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди, деган гапни бемалол айтишимиз мумкин. Биз бу ўринда унинг баъзи қирраларигагина эътиборни тортишга ҳаракат қилдик, холос. Уни атрофлича таҳлил этиш, ёзувчининг бу борадаги маҳоратига баҳо бериш эса адабий таъкидчилигимизнинг келажақда қилиниши лозим бўлган ишларидан бири ҳисобланади.

Умурзоқ ЎЛЖАБОВЕВ,
филология фанлари номзоди





Катта истеъдод аввал халқ эътибори, кейин халқ муҳаббати ва ниҳоят халқ эътиқодини қозонади. Аслида мана шу уч босқичнинг ҳар бири бир умрга тенг.

Ўзбек адабиётининг энг йирик вакили, буюк адиб, асарларида халқ дарди куйланган содда, самимийлик билан қалам тебратиб миллионлаб юракларни забт этган Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов чин маънода ҳаёт йўлларида сўнмас из қолдирган ижодкордир.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов “Баҳор қайтмайди”, “Дунёнинг ишлари”, “Нур борки, соя бор”, “Икки эшик ораси”, “Тушда кечган умрлар” каби роман, қисса ва теран ҳикоялари билан миллионлаб мухлислар қалбидан жой олган буюк сиймодир. Воқеликни ҳаёт ҳақиқатига омихта қилиб, асар қаҳрамонларининг ички оламини ҳар томонлама мукамал, тўғри ва аниқ тасвирлаш ва унга ўқувчини ишонтира олиш адиб ижодининг етуклик чўққиси ҳисобланади. Ёзувчининг асарларида инсон тақдири, унинг ўй хаёлларининг нозик қирралари ўзининг бадиий ифодасини топган. Адиб қаламга олган мавзуларда инсоф, андиша, меҳр каби инсонга хос фазилатлар одоб-ахлоқ, маънавий олам, миллий қадриятлар, ўзликнинг тараннуми, ҳалоллик ва поклик ҳар бир виждони уйғоқ одамни баҳсга чорлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига биноан Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов таваллудининг 80 йиллигини республикаимиз миқёсида тантанали нишонланмоқда.

Жумладан, Тошкент тиббиёт академияси академик лицейида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов таваллудининг 80 йиллигини тантанали нишонлаш тўғрисида”ги

МАНГУЛИКДАГИ СЎНМАС ҚУЁШ


Фармонига мувофиқ “Мангуликдаги сўнмас қуёш” деб номланган тантанали адабий-бадиий кеча бўлиб ўтди. Тадбирда ТТА Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор Турдиқул Бобомуродов, ёзувчининг оила аъзолари – Ўлмасхон Ҳошимова, Нодира Ҳошимова, шогирдлари, шифокорлар, Турон фанлар академияси академиклари – Алижон Зоҳидий, Қутбиддин Низомов, ТТА академик лицейи директори А.Шермуратов, тиллар кафедраси аъзолари, ўқувчи-ёшлар иштирок этди. Ўйғилганларга ёзувчининг оила аъзолари ва шогирдлари томонидан буюк адибнинг ҳаёт йўлларида чизгилар, адолат ва ҳалоллик йўлидаги хизматлари, шох асарлари “Дунёнинг ишлари” қиссасининг ёзилиш тарихи, Она сиймосига эҳтиром наҳидаси тарихи, “Икки эшик ораси”, “Тушда кечган умрлар” романларидаги асосий ғоя, асарнинг ечими, мазмунидаги бош ғоя ҳақида маълумот бериб ўтдилар. Адибнинг мангулик-

даги сўнмас сиймосига назар солган ҳолда у қолдирган адабий мерос зарварақлари варақланди, ибратли ҳаёт йўлларига назар ташланди. Академик лицейнинг 20-03 ҳамда 20-09 гуруҳ ўқувчилари томонидан адибнинг “Дафтар ҳошиясидаги битиклар” асаридан намуналар ёд олдилар, Шумлик туркумидан “Памилдори операциyasi”, “Шаҳарлик куёв” ҳажвиялари маҳорат билан саҳналаштирилиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлди. 20-08 гуруҳ ўқувчисининг дилторлар наволари кечага шуқуҳ бағишлади. Академик лицейда чин маънода адабиёт тантанаси бўлиб ўтди.

Ўткир қалам соҳибининг мангуликка муҳрланган асарлари асрлар давомида ҳамиша барҳаёт, миллионлаб китобхонларнинг қалбларида яшайди. Буюк сиймо Ўткир Ҳошимовнинг хотирасига ҳурмат бажо келтирилди, нурли ҳаёт йўли, сўнмас асарлари қайта ва қайта варақланди.

Адиб “..... китоб ёзсангки, уни ўқиган китобхон ҳамма нарсани унутса, асар қаҳрамоннинг ҳаёти билан яшаса...” деб орзу қилган. Бугун ёзувчининг китобхонлар кўнглини забт этган, уларни ўйлашга, тафаккур қилишга ундовчи шох асарлари чин маънода эртаимиз эгаларининг порлоқ истиқболни нурафшон шамчироқ каби ёритажақдир. Буюк ижодкорнинг асарлари ҳамиша асрлар давомида мангуликдаги сўнмас қуёш янглиғ нур таратиб бораверади.

Нигора ҲАКИМОВА,
ТТА академик лицейи
Ёшлар билан ишлаш,
маънавий ва маърифий ишлар
бўйича директор ўринбосари





ЗУЛФИЯХОНИМ – МАТОНАТНИНГ БУЮК ТИМСОЛИ

Матонат – бу аслида нима? Биз кимларни матонатли инсон дея оламиз? Ажиб бир сўз, аммо залворли, кенг мушоҳадали, ҳар кимни ўйлантира оладиган, керак бўлса қалбларни жунбишга келтиришга қодир бўлган сўз.

Ҳақиқатдан ҳам матонат аслида инсоннинг иродаси, унинг ибратли ҳаёти ва ички кечинмаларини ифодалайди. Зеро, ўзбек халқи ана шундай матонат соҳибларига жуда бой. Улар нафақат адабиёт, балки ҳаётнинг барча соҳаларида ўзларининг ўчмас излари ва сўнмас хотираларини абадиятга муҳрлашган. Шундай матонат соҳибларидан бири бутун бир ўзбек қизларининг севимли онаси, ибрат тимсоли, ўрнатмактаби бўла олган, садоқат ва вафо куйини бутун ҳаёти давомида баралла чала олган шоира Зулфияхонимдир. Дарҳақиқат, Зулфияхоним ҳар бир ўзбек қизининг ибрат олишга арзигулик намуна мактаби десам муболаға бўлмайди. Ҳар қачон Зулфияхоним ҳаёти ва ижоди ҳақида фикр юритар эканман хаёлимни ажиб бир ҳислар чулғаб олади. Бу сабр-қаноат, бардош ва Ватанга муҳаббат, оила, фарзандларга меҳр, қадриятларимизга бўлган ҳурмат каби туйғулардир.

Ана шу матонат тимсоли бўлган Зулфия Исроилова 1915 йил 1 мартда Тошкентнинг “Ўқчи” маҳалласида туғилган. Отаси Исроил Муслимов заҳматкаш темирчи эди, онаси Хадича опа эса жуда кўп кўшиқ, эртақ, афсона ва дostonларни билар ва болаларига айтиб берарди. Ҳовли мўъжазгина бўлса-да, унда бир-биридан чиройли, муаттар гуллар ўстирилди. Оиладагилар мусиқани, шеърни яхши кўрарди. Зулфия оиладаги кенжа фарзанд бўлиб, унинг тўртта акаси бор эди. Эҳтимол ҳаётда собитлик билан ҳар қандай қийинчиликларга бўйин эгмасдан, кураша оладиган инсон сифатида шаклланишида оиласи ва акаларининг тарбияси катта аҳамият касб этгандир. Зулфияхонимнинг

шеърият, бадиий адабиёт яъни санъатга кириб келишида ва ҳозирги унутилмас мавқега эга бўлишида оналарининг ўрни жуда беқиёс эди. Буни шоиранинг ўзи ҳам куйидаги сатрлар орқали таъкидлаб ўтган. «Агар истеъдодим бор бўлган бўлса, унинг чашмаси – онам. Агар адабиёт аҳлига бир кафт янглиғ шеърий ҳосил тутган бўлсам, унинг уруғини қалбимга аввал онам сочганлар».

Дарҳақиқат, фарзанднинг эртанги келажаги, унинг камолотида оналарнинг ўрни беқиёс. Шоиранинг онаси ҳам адабиётга қизиқувчан, шеърлар ва кўшиқларга ошуфта қалб оналардан бўлганлиги, бугунги кунда биз ўзбек халқига Зулфия Исроилова сингари забардаст, матонат тимсолини кашф этди десам адашмаган бўламан. Зулфияхоним онаси ҳақида «Онам ҳозиргидек чарогон даврда яшаса ё шоира, ё олима бўларди» деб хотирлаши ҳам бежиз эмасди. Шоиранинг бутун ижоди давомида онани, аёлни улугловчи оташин шеърлар ёзиши ҳам онасининг меҳр-муҳаббати асносида шаклланган эди. Зулфияхонимнинг «Мен иш қизи» номли биринчи шеъри 1931 йил 17 июлда «Ишчи» газетасида босилиб чиқади. 1932 йил 17 ёшни қарши олганда, унинг «Ҳаёт саҳифалари» номли илк шеърий тўплами омма юзини кўради. Сўнгра шеърлари, дostonлари ва ҳикоялари эътироф қилиниб, турли нашрларда алоҳида китоблар кўринишида чоп этила бошлади. Зулфия шеърларининг халқчиллиги, сода ва чуқур маъно мазмунга эга эканлиги унинг мухлислари эътиборини, меҳрини қозонди. Зеро, шоира самимийлик ва соддалик, ўзбек халқига хос меҳр-муҳаббат туйғуларини маҳорат би-

лан тасвирлай олгани ҳеч биримизга сир эмас. Шоира Зулфияхоним мен учун баҳор маликаси каби, гўёки Зулфия шеърлари ва баҳор фасли унинг ажиб таровати биргаликда ажратиб бўлмас гўзаллик, баҳор ҳавоси каби ёқимлиликни бахш этади.

Зеро, Зулфияхоним севимли турмуш ўртоғи Ҳамид Олимжондан жуда эрта айрилади. Айнан ана шу айрилиқ азоби, қалбдаги кемтиклик, соғинч ҳисси шоиранинг барча шеърларида сезилиб туради. Аммо шундай оғир юк ҳам ўзбекнинг матонатли шоираси қаддини бука олмайди. Шоира энди нафақат ўзи балки Ҳамид Олимжон қаламини ҳам, ўз қўлига олишга аҳд қилди. Икки инсон учун тинмасдан ижод қилди. Турмуш ўртоғи Ҳамид Олимжон хотирасига атаб шеърлар, очерклар ёзди.

Зулфия Исроиловнинг «Баҳор келди сени сўроқлаб» шеъри ўз умр йўлдошининг порлоқ хотирасига атаб ёзган асарлардандир. Ушбу шеър ажойиб ташбеҳлар билан Ҳамид Олимжон хотирасига, унинг ўчмас ҳаётига Зулфия томонидан битилган дил сўзлари, қалб аламлари ва кечинмаларининг, соғинч ҳиссининг ёрқин ифодасидир.

Ўзбек шоиралари орасида забардаст, матонатли, вафоли ёр, меҳрибон она тимсолини маҳорат билан гавдалантирган Зулфияхоним ижоди, ҳаёти ва кечинмалари ҳар биримизнинг қалбимиздан чуқур жой олган ва уларга бўлган меҳр, ошуфталик ҳисси ҳар бир ўзбек қизнинг юракларида абадийга муҳрланиб қолиши аниқ!


Динара ЎКТАМОВА,
Тошкент тиббиёт академияси
Тиббий педагогика факультети
3-босқич талабаси



Барҳаёт сиймолар

ЎЗБЕКИСТОН ДЕОНТОЛОГЛАРИ УСТОЗИ

Отамиздек азиз бўлган Эркин Йўлдошевич Қосимов (Аллоҳ у зотни раҳматига ноил қилган бўлсин) ҳақида ёзиш биз учун ҳам осон, ҳам қийин. Осонлиги – устоз билан маълум бир муддат бир макон бир замонда умргузаронлик қилиш, битта илм даргоҳида ишлаш, ҳар куни юз кўришиш бахтини Аллоҳ насиб этгани ҳамда биз устознинг биографик “Файласуф ҳаким” ҳамда “Яна баҳор келди Сизни сўроқлаб” хотира китобларини битганимиз бўлса, қийинлиги – ҳанузгача уни йўқотганлигимиз, дийдор қиёматга қолганлигига кўника олмаётганлигимизда.



Устоз вафотидан кейин Гўзалхон келинойимиз менга кўнғироқ қилиб, устоз ўлими олдидан мени кўришга қанчалик интиқ бўлганлигини гапириб берганди. Биз хизмат сафари боис, олисларда бўлганимиз учун домлани охириги йўлга кузата олмай қолганимиздан ҳанузгача таассуфдамиз. Қани энди фалақнинг ўжар чархини ортага айлантириб, ўша устоз тирик, шукўҳли дамларга қайтсам дейман, аммо бунинг имкони йўқлигини биламан, биламан-да, озорланамиз.

Устоз ҳақиқий маънода комил инсон эдилар. У киши ўзларида одамийлик, поклик, меҳрлилик, муруватлилик, бағрикенглик, саҳийлик, ростгўйлик, оилапарварлик, ватанпарварлик, камтарлик, андишаллик, фидойилик, фаросатлилик, ҳушёрлик, мардлик, жонқуярлик, қатъийлик, пухталиқ, вазминлик, улуғворлик, мулоҳазалиқ, нозиктаблиқ, ҳамдардлиқ, оддийлик, умидбахшлиқ, меҳнаткашлиқ, масъулиятлиқ, эътиқодлиқ, ташаббускорлик, ахлоқлиқ, билимдонлик, мустақил фикрлиқ каби кўпдан-кўп фазилатларни жо қилган эдилар. Албатта, устознинг фазилатлари, фойий дунёда ўзларидан қолдириб кетган илмий-тиббий мероси хусусида гапирадиган бўлсак, битта китобга сифмаслиги табиий. Шу боисдан ҳам унинг фазилатлари орасида барча шогирдларига, шу жумладан, менга қилган саховати, бағрикенглиги ва инсонийлиги хусусида хотираларимдан бир шингил келтириб ўтмоқчиман. Мен номзодлик диссертациясини ҳимоя қилганимдан кейин маҳаллийчилик ва такаббурлиқни бор бўйича қийиб олган аллақандай ғарзли қалб эгаларининг саъй-ҳаракатлари билан Олий Аттестация Комиссиясида тасдиқдан ўтказиш бироз орқага чўзилиб, текшириш устига текшириш олиб борилди. Бундан хабар толган Эркин Қосимов қаттиқ сиқилдилар, менга руҳий ва маънавий мадад бериш билан бирга ҳақиқат қарор топганига қадар тиниб-тинчимасди. Дипломимни қўлимга олганимда эса устоз ўзларини мендан ҳам бахтли ҳис қилган эдилар.

“Сўзда сеҳр, шеърда эса ҳикмат бор”, дейдилар. Устоз шифокорнинг сўз санъатини, мулоқот ва муомала маданиятини фан даражасига олиб чиққан инсон эдилар. Ўзбекистон Республикасида тиббий деонтология ва касб этикасига оид биринчи мукаммал дарслиқ ҳам устоз қаламига мансубдир. Албатта, устозга қадар тиббиётнинг айрим жабҳалари бўйича бу борада узуқ-юлуқ адабиётлар мавжуд эди. Аммо устоз ҳаётлари мобайнида ўзлари амал қилиб келган хушхулқлик, самимият, покизалиқ каби хислатларни барча бўлғуси шифокорларда кўришни астойдил орзу қилган эдилар, шу боис ҳам бундай шарафли ва мураккаб ишга кўл урганди. Устоз умр бўйи сўз ва иш бирлигига амал қилиб келди. Шу билан бирга ҳаётини адоғига қадар шифокорлик ва ижодкорлиқни ажиб бир тарзда уйғунлаштириб яшадилар. Бугунги кунда домлаимиздан қолган мингта яқин мақола ва тезислар, ўнлаб дарслиқлар, монографиялар, илмий-оммабоп рисоалар, ихтиро ва рационализаторлик таклифлари устознинг тириклигидан мужда бериб турибди.

Устоз Ўзбекистон Республикасида шифокорнинг муомала маданияти ва нутқ маҳорати бўйича етук мутахассис бўлганлиги боис бу борада ўнлаб суҳбатлар уюштириб, аввалги китобларимиз ва давомли нашрларда чоп этганмиз. Қўйидаги суҳбат эса устознинг “Шифокорнинг нутқ маданияти ва бемор билан мулоқот санъати” ўқув қўлланмаси 2002 йилда чоп этилиши муносабати билан уюштирилган бўлиб, “Яна баҳор келди Сизни сўроқлаб” китобимизга киритилган.

– Тиббиёт деонтологияси (лотинча “деон” – зарур, лозим бўлган нарса ва “логос” – таълимот) тиббиёт ходимининг бурчи, одоби ҳақидаги фан бўлиб, шифокорлар, тиббиёт тадқиқотчилари, олимлар, ҳамширалар ва

кичик тиббиёт ходимлари учун маънавий-мафкуравий дастуруламалдир. Устознинг ушбу китобидан бир қатор иқтибослар келтираимиз.

“Деонтология” кишининг хулқи, одоби ҳақидаги фанни ифодалаш учун ўн бешинчи асрнинг бошларида инглиз файласуфи Бентам томонидан таомилга киритилган эди. Бу атама жорий қилинмасидан аввал тиббиёт ходимининг адаб қоидаларини тартибга солувчи ахлоқ қоидалари ва қасамёдлар ёзма манбаларда топилган. Манунинг “Ведалар” номи хинд “Қонунлар мажмуаси” даёқ тиб ходимининг ахлоқ қонун-қоидалари санаб ўтилган. Букротнинг “Қасам”ида ҳам тиб ходимининг хулқ-атворлари қандай бўлиши келтириб ўтилган. Деонтология бир қатор йўналишлардан иборат.

1. Шифокор ва бемор орасидаги мулоқот.
2. Шифокор билан беморнинг яқин кишилари (қон-қардошлари, дўстлари, ҳамкасбалари) орасидаги муносабат.
3. Шифокор ва унинг кўл остидаги кичик тиб ходимлари (ҳамширалар, кичик тиб ходимлари) орасидаги муносабат.
4. Шифокор ва беморнинг даволаш жараёнидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари.
5. Устоз ва шогирд муносабатлари.
6. Шифокор фаолияти мобайнидаги хато ва камчиликлар.
7. Шифокор сақлаши лозим бўлган сир-асрорлар.

Тиббий деонтология ва касб этикаси қонун-қоидаларининг тиббиёт амалиётига тўғри жорий қилиниши тиб ходимининг онги, савияси, дунёқараши, билимлари мезони ва қайси жамиятда яшаётганлиги билан боғлиқ.

Деонтологияда “ятрогения” тушунчаси бор. Бу тиб ходимининг фаросатсизлиги, илми саёзлиги, ноҳўя кўрсатмалари, кўпол хатти-ҳаракатлари, лоқайдлиги туфайли пайдо бўлган касалликдир. Бу буюқ тиб алломаси Гиппократнинг “Зарар келтирма” деган нақлининг бузилиши оқибатидадир. Бундай касалликлар бугунги кунда учрайдиган хасталиқларнинг 10 фоиздан ортигини ташкил қилади.

Шифокор сирини деганда кўпинча бемор тўғрисидаги маълумотлар, касалликнинг ноҳуш якуни, руҳий зиён етказувчи ташхислар тушунилади. Тиб ходимининг фаолиятида аксарият шундай ҳолатлар бўладики, шифокор сир-асрори алдаш билан боғлиқ бўлади, бу “муқаддас ёлгон” деб аталади. Шифокорнинг ўлими муқаррар бўлган оғир бемор тўшаги ёнидаги хатти-ҳаракатлари тиббиёт деонтологиясининг мушкул масалаларидан бири бўлиб келмоқда. Масалан беморга ўлим эҳтимолини маълум қилиш ёки қилмаслик, агар у ҳақда маълумот берилса, уни қай шароитда ва қай тарзда амалга оширишдадир. Беморга мутлақо умидсиз охир-оқибат тўғрисидаги аччиқ ҳақиқатни маълум қилиш, бу, аввало, унинг ҳаётидаги энг муҳим уми-дини гора қилиш, охириги кунларини зим-зиёга айлантиришидир.

Устоз ҳар тарафлама комил инсон, қомусий олим сифатида Америкада ҳам тан олинган, 2000 йили Халқаро биография институти томонидан Жаҳоннинг энг нуфузли 2000 нафар олими рўйхатида киритилган, мустақиллигимизнинг 11 йиллиги муносабати билан эса Ўзбекистонда хизмат кўрсатган шифокор, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш аълочилиси унвони берилган. Умри азининг адоғига қадар ҳормай-толмай инсонлар саломатлиги, бахти-саодати йўлида хизмат қилган комил инсон сифатида хотирамизда қолган.

Илоҳо, устознинг ётган ерлари юмшоқ, сафардошлари фаришталар, манзиллари шоҳиста-ю жаннат бўлсин!

Алижон ЗОҲИДИЙ,
Республика Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Соғлиқни сақлаш аълочилиси,
Қутбиддин НИЗОМОВ,
Соғлиқни сақлаш аълочилиси, Турон ФА академиги



**Қалби қозоздек оқ, қозоздек ёнадиган одамдангина
чинакам ёзувчи чиқади**



ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ВА МАҲАЛЛАЛАР ҲАМКОРЛИГИ

(Боши 1-бетда.)

- Шунингдек, маҳаллаларда ҳамкорлик иш режалари асосида 40 та маҳаллада “Соғлом турмуш тарзи”, 6 та маҳаллада “Ёш оилаларни психологик кўриқдан ўтказиш”, “Оилавий низоларни келиб чиқиш сабаблари ва уларни бартараф этиш тамойиллари” мавзуларида учрашувлар, 2 та маҳаллада Тошкент тиббиёт академиясининг етук мутахассис профессор-ўқитувчилари томонидан тиббий кўриқлар ташкил этилди. 12 та маҳалладаги қийин шароитга тушиб қолган, “Темир дафтар”га кирган оилалар билан суҳбатлар ўтказилди.

- “Бир зиёли бир маҳаллага маънавий ҳомий” тамойили асо-

сида тарғибот ишлари бўйича маҳаллалардаги ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий масалалар, Ёшлар масалалари ва уларни иш билан таъминланиш даражаси, уюлмаган ёшлар фаолияти ўрганилди.

- Тошкент, Зангиота туманлари ва Чирчиқ шаҳридаги барча маҳаллалардаги тиббий бригадалар ва оилавий поликлиникаларнинг фаолияти ўрганилиб, уларнинг тиббиётнинг бирламчи бўғинларидаги ишларни яхшилаш бўйича амалий ёрдам берилди. Барча оилавий поликлиникалар ва оилавий шифокорлик пунктларидаги лаборатория ускуналари: ФЭК ва анализаторларни тўғри ишлашини таъминлаш мақсадида текширувдан ўтказилиб, калибровка қилинди, нор-

мал функционал ҳолатга келтирилди. Унда ишлайдиган врачлар, лаборантлар учун махсус ўқишлар ташкил этилди.

Бундан ташқари ТТА ҳудудига яқин жойлашган “Хислат”, “Жийдали”, “Шифокорлар”, “Беруний” ва “Чилонзор-Оқтепа” маҳаллаларида 2 марта тиббий кўриқлар, спорт соғломлаштириш тадбирлари ва бошқа турдаги турли хил тадбирлар ўтказилди.

Бу каби тадбирлар Тошкент тиббиёт академияси ва маҳаллалар ҳамкорлиги доирасида ўтказилаётгани, ўз навбатида аҳоли бундан мамнунлигини таъкидлаш жоиз.

А.САЙДУЛЛАЕВ,
ТТА Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими услубчиси

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ БЎЙИЧА ҚУЙИДАГИ ВАКАНТ БЎШ ИШ ЎРИНЛАРИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ:

(2021 йил май)

Кафедра мудири

Олий маълумотли ҳамшира факультетида қарашли “Ижтимоий фанлар” кафедраси

Доцент

2-сон даволаш факультетида қарашли “1-сон ички касалликлар” кафедраси

Тиббий профилактика факультетида қарашли “Коммунал ва меҳнат гигиенаси” кафедраси

2-сон даволаш факультетида қарашли “Суд тиббиёти ва тиббиёт ҳуқуқи” кафедраси

Катта ўқитувчи

2-сон даволаш факультетида қарашли “Дерматовенерология” кафедраси

Ассистент

1-сон даволаш факультетида қарашли

“Отоларингология ва стоматология” кафедраси

1-сон даволаш факультетида қарашли “1-сон факультет госпитал терапия ва касб касалликлари курси билан” кафедраси

1-сон даволаш факультетида қарашли “1-сон умумий ва болалар жарроҳлиги” кафедраси

1-сон даволаш факультетида қарашли “1-сон ички касалликлари пропедевтикаси” кафедраси

2-сон даволаш факультетида қарашли

“Патологик анатомия” кафедраси

2-сон даволаш факультетида қарашли

“Дерматовенерология” кафедраси

Тиббий профилактика факультетида қарашли

“Атроф-муҳит гигиенаси” кафедраси

Тиббий профилактика факультетида қарашли

“Гистология ва тиббий биология” кафедраси

Ҳужжатларни қабул қилиш муддати бир ой эълон қилинган кундан бошлаб, ректоратнинг девонхона бўлимига топширилади.

Манзилимиз: Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй.

MUASSIS:
**TOSHKENT
TIBBIYOT
AKADEMIYASI**

MUHARRIR
**TURDIQUL
BOBOMURATOV**

TAHRIR HAYATI:
Q.Nizomov (Bosh muharrir o'rinbosari),
O.Hazratov, A.Zohidiy, D.Norgulov,
L.Abduqodirova, M. Hasanova

Gazeta Pentium-IV
kompyuterida sahifalandi va Toshkent
Tibbiyot akademiya RISOGRAFida
400 nusxada chop etildi.
Manzilimiz:
Toshkent shahri, Farobiy
ko'chasi, 2-uy
Nashr uchun ma'sul
Q.Nizomov

Gazeta Toshkent Matbuot va axborot
boshqarmasida 2007-yil 15-yanvarda
02-0049 raqam bilan ro'yxatga olingan

Mualliflar fikri tahririyat nuqati nazaridan farqlanishi
mumkin. Maqolalardagi ma'lumotlar uchun
mualliflar javobgardir

Бепул тарқатилади